



O'ZSANOATQURILISHBANK

"O'zbekiston sanoat-qurilish banki" aksiyadorlik tijorat banki
"Uzbek Industrial and Construction Bank" Joint-Stock Commercial Bank
Акционерный коммерческий банк "Узбекский промышленно-строительный банк"

BOSHQARUV QARORI

Тошкент ш.

№ 384

20 18 йил 31 декабрь

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний шахслар ва ҳамкор Банкларга пластик карточкаларни етказиб бериш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620-сонли қарорида банк хизматларининг янги турларини жорий этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

Банк тизимида мижозларга янада қулайликлар яратиш, пластик карточка эгаларига сифатли хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш мақсадида, “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 1344, 2004 йил 30 апрель) ва “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) Низомлари талабларига мувофиқ Банк Бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний шахслар ва ҳамкор Банкларга пластик карточкаларни етказиб бериш тартиби тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Чакана хизматларни ривожлантириш департаменти (Б.Султанов) мазкур Бошқарув қарори кучга кирган кундан ушбу Низомни ҳамда “Курьер хизмати” ҳақидаги маълумотларни Банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирсин, шунингдек барча филиаллар ва ҳамкор банкларга етказилишини таъминласин.

3. Барча филиал раҳбарлари мазкур Низомни масъул ходимларга мазмун-моҳиятини тушунтириб, унда белгиланган талабларини тўлиқ бажарилишини назоратга олсинлар.

4. Мазкур қарор ижроси назорати Бошқарув Раиси ўринбосари А.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Бошқарув Раиси



А. Воитов

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари



С. Анналичев

Бошқарув Раиси ўринбосари

А. Эргашев

Бошқарув Раиси ўринбосари



Я. Абдуроззоков

Юридик департамент директори



Б. Норхужаев


Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи
департаменти директори



О. Вохидов

Киритилди:

Чакана хизматларни ривожлантириш
департаменти директори



Б. Султанов

Юридик департамент
Методология бошқармасида

20 19 йил “11” март да
315 - сон билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
Бошқарувининг

20 18 йил “31” декабр даги
394 - сонли қарорига

ИЛОВА

**“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тизимида жисмоний шахслар
ва ҳамкор Банкларга пластик карточкаларни
етказиб бериш тартиби тўғрисида”ги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом “Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 1344, 2004 йил 30 апрель), “Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 3030, 2018 йил 2 июль) ҳамда “Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами: 916, 2000 йил 5 апрель) Низомларига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ (кейинги ўринларда - “Банк”) тизимида жисмоний шахсларга пластик карточкаларни ҳамда ҳамкор Банкларга эса халқаро пластик карточкаларни етказиб бериш тартибини белгилайди.

2. Пластик карточкаларни етказиб бериш жараёнини ташкиллаштириш:

Чакана хизматларни ривожлантириш департаментининг Банк карталари техник таъминоти ва эмиссия маркази бошқармасининг эмиссия бўлими;

Банк филиалларининг Чакана хизматлар бўлими/сектори зиммасига юклатилади.

3. Ҳар қандай жисмоний шахс Банк филиалларидаги Курьер хизмати томонидан пластик карточкаларни етказиб берилиши бўйича:

онлайн тарзда Банкнинг “www.uzpsb.uz” расмий сайти орқали;

банк карточкаларини чиқариш тартибига мувофиқ, Банк бўлимларига шахсан ташриф буюриш йўли билан ҳужжатларни расмийлаштириш орқали буюртма бериш имкониятига эга.

Бунда пластик карточкаларни етказиб берилиши муомалага чиқарилган кундан кейинги бир банк иш куни давомида амалга оширилади.

4. Муомалага чиқарилган халқаро пластик карточкаларни ҳамкор Банкларга етказиб бериш, ўзаро тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Халқаро пластик карточкаларни ҳамкор Банкларга етказиб бериш Чакана хизматларни ривожлантириш департаментининг Банк карталари техник таъминоти ва эмиссия маркази бошқармасининг эмиссия бўлими маъсул ходими томонидан иш кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилади.

5. Жисмоний шахсларга пластик карточкаларни етказиб берилиши Банк филиалларининг Курьер хизмати ходими томонидан иш кунлари соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача бўлган вақт оралиғида амалга оширилади.

II. Жисмоний шахсларга пластик карточкаларни етказиб бериш тартиби

6. Банк филиали Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими пластик карточкани муомалага чиқариш бўйича буюртма келиб тушгандан сўнг, олинган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни Интеграллашган Автоматлаштирилган Банк тизими (кейинги ўринларда “ИАБТ” деб юритилади) дастурига киритади. Бунда, пластик карточкани чиқаришдан олдин, олинган ҳужжатлардаги маълумотларни, Тижорат банкларида жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами: 2886, 2017 йил 23 май) кўра, Банк ИАБТ дастуридаги Рўйхат маълумотлари билан солиштирилади.

Олинган маълумотлар Банк ИАБТ дастуридаги Рўйхат маълумотлари билан тўлиқ мос келган ҳолатда Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими зудлик билан мазкур Банк филиалининг ички назорат маъсул ходимини хабардор қилади. Бундай ҳолатда пластик карточкани муомалага чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахс ҳақида маълумотлар Банк ИАБТ дастуридаги Рўйхат маълумотлари билан мос келмаган ҳолатларда, пластик карточка муомалага чиқариб берилиши мумкин.

7. Пластик карточкани етказиб бериш бўйича буюртма банкнинг www.uzpsb.uz расмий сайтига онлайн тарзда келиб тушганда, Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими Тижорат банкларида жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами: 2886, 2017 йил 23 май) мувофиқ, жисмоний шахсни идентификациялаш учун қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштиради:

пластик карточкани олиш учун ариза;

пластик карточкани чиқариш ва хизмат кўрсатиш шартнома (икки нусхада);

пластик карточкани етказиб берилиши бўйича ариза;

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ жисмоний шахсларга пластик карточкаларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси;

“Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида”ги Низомда (рўйхат рақами: 1344, 2004 йил 30 апрель) назарда тутилган бошқа ҳужжатлар.

8. Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими Курьер хизмати ходимидан жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат асосида идентификация қилинганлиги тўғрисида тасдиқ олингунга қадар муомалага чиқарилган пластик карточкани ва пластик карточка ҳисобварагини нофаол (неактив) ҳолатини таъминлайди ҳамда пластик карточка ва шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда - “ШИР”) солинган конвертларни (халқаро пластик карточкалар муомалага чиқарилган ҳолларда) ҳар бир жисмоний шахс бўйича алоҳида махсус конвертга мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар ҳамда жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тўплами билан бирга жойлаштиради:

9. Махсус конвертларнинг елимланган қисмига Банк филиалининг муҳри қўйилиши ва Чакана хизматлар бўлими/сектори бошлиғининг имзоси бўлиши шарт.

10. Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими махсус конвертларни тайёрлаб бўлгач, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ 2 нусхада пластик карточкаларни етказиш бериш бўйича реестрни тайёрлайди.

Пластик карточкаларни етказиб бериш реестри Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими, бўлим/сектор бошлиғи, бош ҳисобчи ва раҳбари томонидан имзоланади.

11. Махсус конвертлар билан бирга пластик карточкаларни етказиб бериш реестри Банк филиалининг пластик карточкаларни етказиб берилишини амалга оширувчи Курьер хизмати ходими тақдим этилади.

12. Курьер хизмати ходими пластик карточкаларни етказиб бериш реестрини ва махсус конвертларни олганидан кейин, уларнинг бутлигини, жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми мос келишини текшириб олади. Агар махсус конвертлар бузилмаган ва пластик карточкаларни етказиб бериш реестридаги маълумотлар билан тўғри келса, Курьер хизмати ходими Пластик карточкаларни етказиш хизмати (кейинги ўринларда “ПКЕХ” деб юритилади) деган белги қўйилган муҳр билан пластик карточкаларни етказиб бериш реестрига имзо қўяди. Бунда Курьер хизмати ходими томонидан махсус конвертлар қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

13. Курьер хизмати ходими махсус конвертларни қабул қилиб олган иш куни давомида жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида уни пластик карточкалар тақдим этилиши бўйича хабардор қилган ҳолда пластик карточкаларни етказиб беради.

14. Жисмоний шахс томонидан пластик карточкани бошқа манзилда ва/ёки вақтда қабул қилиш истаги билдирилган ҳолатларда, Курьер хизмати

ходими пластик карточкани етказиб бериш реестрига ўзгартиришлар киритади ва жисмоний шахснинг хохишига қараб, етказиб беришни амалга оширади.

15. Курьер хизмати ходими белгиланган манзилга етиб келиб, жисмоний шахсга махсус конвертни топширишдан олдин унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида жисмоний шахсни идентификация қилиши лозим. Бунда, Курьер хизмати ходими жисмоний шахсни идентификация қилганлиги ва пластик карточкани етказиб берилганлиги тасдиғи сифатида фотофиксацияни (электрон фотосурат) амалга оширади.

Фотосурат қуйидаги форматда амалга оширилиши лозим:

ёруғлик даражаси етарли бўлганда;

жисмоний шахс қўлида махсус конверт ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг аслини (шахсий сурати мавжуд бўлган варағи очиқ ҳолда) ушлаб туриши лозим.

Жисмоний шахс Курьер хизмати ходимидан махсус конвертни олишда унинг иштирокида:

махсус конвертни бутунлигини текширади;

махсус конвертни очиб, пластик карточкани ва ШИР конверти (ҳалқаро пластик карточкалар муомалага чиқарилган ҳолларда) мавжудлигини текширади;

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ жисмоний шахсларга пластик карточкаларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига сана ва вақтини кўрсатиб, 7-бандга асосан тўпланган ҳужжатларга имзо қўяди.

16. Курьер хизмати ходими жисмоний шахсга пластик карточкани тақдим қилгач, тўлов терминали орқали ШИР кодни ўрнатиши учун пластик карточка кун давомида активлаштирилиши ҳақида хабардор қилади (“UzCard” пластик карточкалари етказилиб берилган ҳолларда).

17. Курьер хизмати ходими жисмоний шахсга пластик карточкани топширгандан сўнг, Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори бошлиғига электрон фотосуратни ҳамда мазкур Низомнинг 7-бандига асосан тўпланган ҳужжатларни топширади.

18. Пластик карточкаларни етказиб бериш реестри ва мазкур Низомнинг 7-бандида келтирилган ҳужжатлардаги маълумотлар, жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан мос келмаганда, пластик карточка ва ШИР конверти (ҳалқаро пластик карточкалар муомалага чиқарилган ҳолларда) ўрнатилган тартибда йўқ қилиниши ва пластик карточка ҳисобварағи ёпилиши учун Курьер хизмати ходими томонидан махсус конвертлар Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори бошлиғига қайтарилиши шарт.

19. Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори бошлиғи Курьер хизмати ходимидан электрон фотосуратни ва мазкур Низомнинг 7-бандига асосан тўпланган ҳужжатларнинг имзоланган нусхасини қабул қилиб олгандан сўнг, зудлик билан пластик карточкани ҳамда пластик карточка ҳисобварағини фаол (актив) ҳолатга келтиради ва ҳужжатларни ҳар бир жисмоний шахс қирқимида

алоҳида йиғма жилдларга тикиб қўйиш учун Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлимининг/секторининг маъсул ходимига топширади.

20. Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори маъсул ходими кундалик тақдим қилинган, етказиб берилган ва қайтарилган махсус конвертларни Курьер хизмати ходимида сақланиб келинаётган пластик карточкани етказиб бериш реестрининг 2-нусхаси билан солиштириб боради.

21. Жисмоний шахс томонидан пластик карточкани бошқа куни олиш истаги билдирилганида ёки махсус конвертлар жорий кун давомида жисмоний шахсга етказиб берилмаганда ёки етказиб бериш жараёнида жисмоний шахс идентификациядан ўтмаган тақдирда, Курьер хизмати ходими шу куни пластик карточкани етказиб бериш реестрининг “изоҳ” графасида қайтариш сабабларини кўрсатган ҳолда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ икки нусхада махсус конвертларни қайтариш тўғрисидаги далолатномани тузади.

22. Банк филиалининг Чакана хизматлар бўлими/сектори бошлиғи ўз навбатида махсус конвертларнинг бутлигини текширади, жисмоний шахсларнинг фамилияси, исмини ва отасининг исмини пластик карточкаларни етказиб бериш реестрининг 1-нусхасида келтирилган маълумотларни махсус конвертларни қайтариш далолатномасидаги маълумотлар билан солиштиради. Агар махсус конвертлар бут ва маълумотлар тўғри бўлса, махсус конвертларни қайтариш далолатномаларига имзо қўяди ва бир нусхасини Курьер хизмати ходимига қайтаради.

23. Топшириш имкони бўлмаганлиги боис қайтарилган махсус конвертлар сейфга жойлаштирилади ва махсус конвертларни қайтариш далолатномасининг бир нусхасини пластик карточкаларни етказиб бериш реестри билан бирга тегишли йиғма жилдларга тикилади.

24. “Жисмоний шахс идентификациядан ўтмади” деган изоҳ билан қайтарилган махсус конвертлар комиссия аъзолари иштирокида махсус конвертларни (пластик карточка ва ШИР конвертлар) йўқ қилиш далолатномаси расмийлаштирилгач, пластик карточканинг магнит йўлаги ва чипини кесиб ташлаш йўли билан йўқ қилиб ташланади. Комиссия аъзолари Банк филиалининг 3 (уч) нафар маъсул ходимларидан (филиал бошқарувчиси ўринбосари, бош ҳисобчи ва филиалнинг ички назорат ходими) иборат бўлиши керак.

IV. Ҳамкор Банкларга ҳалқаро пластик карточкаларни етказиб бериш тартиби

25. Ҳамкор Банкларга пластик карточкалар чиқарилгандан сўнг, Чакана хизматларни ривожлантириш департаменти Банк карталари техник таъминоти ва эмиссия маркази бошқармасининг эмиссия бўлими (кейинги ўринларда “Эмиссия бўлими” деб юритилади) маъсул ходими пластик карточкалар ва ШИР конвертларни ҳар бир ҳамкор Банк қирқимида алоҳида махсус конвертларга

жойлаштиради ва пластик карточка ва ШИР конвертларни мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ топшириш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштиради.

26. Махсус конвертларнинг елимланган жойлари Эмиссия бўлими номли махсус муҳр қўйилиши ва бўлимнинг махсус конвертларни тайёрловчи маъсул ходимнинг имзоси қўйилиши шарт.

27. Махсус конвертлар ҳамда ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси тайёрлангандан сўнг, Эмиссия бўлими маъсул ходими пластик карточкаларни етказиб бериш бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ икки нусхада умумий реестрни тайёрлайди.

28. Пластик карточкаларни етказиб бериш реестри Эмиссия бўлими маъсул ходими, бўлим бошлиғи ҳамда Банк карталари техник таъминоти ва эмиссия маркази бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади.

29. Махсус конвертлар, шунингдек, ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси пластик карточкаларни етказиб бериш реестри билан бирга Эмиссия бўлимининг пластик карточкаларни етказиб берувчи Курьер хизмати ходимига топширилади.

30. Курьер хизмати ходими махсус конвертларни, ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда пластик карточкаларни етказиб бериш реестрларини қабул қилиб олгандан сўнг, махсус конвертларни бутлигини ва унда кўрсатилган маълумотларни пластик карточкаларни етказиб бериш реестрида кўрсатилган маълумотлар билан солиштириб олади. Агар, махсус конвертлар бузилмаган ва маълумотлар тўғри бўлса, Курьер хизмати ходими томонидан пластик карточкаларни етказиб бериш реестрига “ПКЕХ” деган белги қўйилган муҳр билан пластик карточкаларни етказиб бериш реестрига имзо қўяди. Бунда Курьер хизмати ходими томонидан махсус конвертлар ҳамда ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси қабул қилиб олинган деб ҳисобланади.

31. Курьер хизмати ходими томонидан махсус конверт қабул қилиб олган иш куни давомида пластик карточкаларни етказиб берилиши амалга оширилади.

Ҳамкор Банкнинг маъсул ходими Курьер хизмати ходимидан махсус конвертни қабул қилиб олишда унинг иштирокида:

махсус конверт бутлигини текширади;

махсус конвертни очиб, пластик карточка ва ШИР конвертнинг мавжудлигини текширади;

ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига сана ва вақтни кўрсатиб, имзо қўяди.

32. Курьер хизмати ходими махсус конвертларни етказиб бергандан сўнг, Эмиссия бўлими бошлиғига ҳамкор Банкларга пластик карточка

ва ШИР конвертларни топшириш-қабул қилиш далолатномасининг иккинчи нусхасини топширади.

33. Эмиссия бўлими бошлиғи Курьер хизмати ходимидан имзоланган далолатномаларни қабул қилиб олганидан кейин уларни ҳар бир ҳамкор Банк қирқимида алоҳида тегишли йиғма жилдга тикиб қўйиш учун бўлимнинг маъсул ходимига топширади.

34. Эмиссия бўлими маъсул ходими кундалик тақдим этилган, етказиб берилган ва қайтарилган махсус конвертларни Курьер хизмати ходими билан солиштириб боради.

IV. Жавобгарлик

35. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

36. Ушбу Низом Банк Бошқаруви қарори билан тасдиқланган кундан кучга киради.

Киритилди:

Чакана хизматларни
ривожлантириш департаменти
директори



Б. Султанов

Келишилди:

Ички назорат департаменти
директори



А. Холов

Хавфсизлик ва ахборотларни
Муҳофаза қилиш бошқармаси
бошлиғи



З. Ботиров

Юридик департамент
Методология бошқармаси бошлиғи



Ш. Низаметдинов



“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 тизимида жисмоний шахслар
 ва ҳамкор Банкларга пластик
 карточкаларни етказиб бериш
 тартиби тўғрисида”ги Низомга
 1-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларга пластик карточкаларни топшириш-қабул қилиш
 далолатномаси**

№	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.	Пластик карточка рақами	Жисмоний шахс паспорт маълумоти	Тел. рақами	Етказиш манзили	Етказилган вақт

Банк хизмат ёзишмаси

Хизмат харақати/қарор/қушимча белгилар	Ходим Ф.И.Ш.	Имзо
Далолатнома ва махсус конвертти такдим этган шахс		

Банк хизмат ёзишмаси

Хизмат харақати/қарор/қушимча белгилар	Ходим Ф.И.Ш.	Имзо
Махсус конвертти такдим этган шахс		

Жисмоний шахс томонидан қул ёзма шаклда тулдирилади

Харақат номи	Жисмоний шахс Ф.И.Ш.	Пластик карточка рақами	Сана ва вақти	Имзо
Пластик карточка ва ШИР конвертти қабул қилган шахс				

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 тизимида жисмоний шахслар
 ва ҳамкор Банкларга пластик
 карточкаларни етказиб бериш
 тартиби тўғрисида”ги

Низомга
 2-ИЛОВА

Пластик карточкаларни етказиб бериш Реестри

№	Жисмоний шахс Ф.И.Ш.	Пластик карточка рақами	Жисмоний шахснинг паспорт маълумоти	Телефон рақами	Етказиш манзили	Жисмоний шахснинг идентификация қилинганлиги (Ха/Йўк)	Етказилган вақт	Изоҳ
1								
2								
3								
4								

Банк филиали раҳбари

имзо

Ф.И.Ш.

Бош ҳисобчи

имзо

Ф.И.Ш.

Чакана хизматлар
 бўлими/сектори бошлиғи

имзо

Ф.И.Ш.

Чакана хизматлар
 бўлими/сектори маъсул ходим

имзо

Ф.И.Ш.

Курьер хизмати ходими

имзо

Ф.И.Ш.

“ПКЕХ” белгиси

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 тизимида жисмоний шахслар
 ва ҳамкор Банкларга пластик
 карточкаларни етказиб бериш
 тартиби тўғрисида”ги
 Низомга
 3-ИЛОВА

Махсус конвертларни қайтариш далолатномаси

N	Жисмоний шахснинг Ф.И.Ш.	Пластик карточка рақами	Етказиб бериш манзили	Изоҳ
1				
2				
3				
....				
....				
....				

Жами: _____ дона.

Хизмат харакати/карор/қушимча белгилар	Ходим Ф.И.Ш.	Имзо
Далолатномани тайёрлаган ва махсус конвертни тақдим этган шахс		
Махсус конвертни қабул қилиб олган шахс		




“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 тизимида жисмоний шахслар
 ва ҳамкор Банкларга пластик
 карточкаларни етказиб бериш
 тартиби тўғрисида”ги
 Низомга
 4-ИЛОВА

**Ҳамкор Банкларга пластик карточка ва ШИР конвертларни
 топшириш-қабул қилиш далолатномаси**

	Ҳамкор Банклар номи	Пластик карточкани нг қайси тўлов tizimiga тегишлилиг и	Пластик карточкала р сони	ШИР конвертла р сони	Етказиб бериш манзили	Етказиб бериш вақти
1.						

Банк хизмат ёзишмаси

Хизмат ҳаракати/қарор/қушимча белгилар	Ходим Ф.И.Ш.	Имзо
Далолатномани тайёрлаган ва махсус конвертни такдим этган шахс		
Махсус конвертни Банк- ҳамкорга етказиб бериш учун олган шахс		

Ҳамкор Банк маъсул ходими томонидан шахсан тўлдирилади

Ҳаракат номи	Ҳамкор Банк маъсул ходимини Ф.И.Ш.	Пластик карточкала р сони	ШИР конвертлар сони	Қабул қилиб олинган сана ва вақти	Имзо
Пластик карточка ва ШИР конвертни қабул қилган шахс					

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ
 тизимида жисмоний шахслар
 ва ҳамкор Банкларга пластик
 карточкаларни етказиб бериш
 тартиби тўғрисида”ги

Низомга
 5-ИЛОВА

Ҳамкор Банкларга пластик карталарни етказиб бериш Реестри

№	Ҳамкор Банк номи	Пластик карточканинг қайси тўлов тизимига тегишлилиги	Пластик карточкалар сони	ШИР конвертлар сони	Ҳамкор Банк маъсул ходимини Ф.И.Ш.	Ҳамкор Банк маъсул ходимининг контакт маълумотлари	Етказиб бериш манзили	Етказиб берилган вақти	Изоҳ
1									
2									
3									
4									

Банк пластик карталарини
 техник таъминоти, Эмиссия
 маркази бошқармаси бошлиғи

имзо

Ф.И.Ш.

Эмиссия бўлими бошлиғи

имзо

Ф.И.Ш.

Эмиссия бўлими масъул
 ходими

имзо

Ф.И.Ш.

Курьер хизмати ходими

имзо

Ф.И.Ш.

“ПКЕХ” белгиси